

**ИСО
МАСИХ^{ас}
ХУДОНИНГ
ЎЎЛИМИ?**

Исо Масих^{ас}ни Аллоҳ таоло одамлар ҳидояти учун жўнатган эди, токим дунё аҳли яккаю ягона Худога ибодат қилсин. Бу ҳақда Мусонинг 5-китоби, 4-боб, 35-оятида шундай деб ёзилгандир:

«Бунинг ҳаммаси сенга кўрсатилди, токим сен Аллоҳ таологина Худо эканини ва Ундан бошқа худо йўқ эканини билгин».

Яна шундай деб ёзилган:

«Бас, бугунги кунда ўз жонинг ва дилингга эътибор берки, юқори осмонда ва ости ерда бўлган Худогина Худо эканини ва Ундан бошқа худо йўқ эканини билгин». (*Мусонинг 5-китоби: 4-39*)

Библиянинг ушбу очиқ-равшан ва соф таълимоти мавжудлигига қарамасдан, яккаю ягона Худодан бошқа бирорта худо ёки худо ўғлини тасаввурга келтириш ҳам гуноҳ ва Аллоҳ таоло норозилиги сабабчисидир.

Бир жойда яккаю ягона Худо ҳақида шундай деб ёзилган:

«Бас, эй, Аллоҳ! Сен Улуғсан. Чунки, Сенга ўхшаш ҳеч ким йўқ. Шунингдек, биз кулоқларимиз билан эшитганимизга кўра, бошқа ҳеч бир худо йўқ». (*Самвоил: 7-22*)

Демак, Аллоҳ таолога ўхшаш бирортаси ҳам бўлмагандан кейин бирор-бир одамни худо ёки Худонинг ўғли деб билиш мумкинми?

Ҳазрат Исо^{ас}ни Худо ўғли деб билган барча одамлар Библия таълимотига қарши иш тутишади. Агар бирор-бир киши Инжилнинг бирорта жойида Исо Масийх тўғрисида «ўғил» сўзи ишлатилганлиги учун уни «Худонинг ўғли» деб билса, унда у Библия «Худо ўғиллари» деб айтган барча одамларни ҳам Худо ўғли деб билиши керак-ку! Демак, бошқа ўғиллар ҳам бор бўлса, Исо Масийхнинг ўғил эканлигининг ҳеч бир ўрни қолмайди. Агар Библия айтиб берган бошқа одамлар Худо ўғиллари бўла олмаса, унда Библиянинг очиқ-равшан таълимоти мавжудлигида Исо Масийх қандай қилиб Худонинг ҳақиқий ўғли бўла олади?

Библияда шундай деб ёзилган:

«Ўшанда сен Фиръавнга шундай деб айтгин: «Худо таоло: «Исроил Менинг ўғлим, балки тўнғич ўғлимдир», - деб марҳамат қилди». (*«Чикиш»: 4-22*)

Агар Исо Масийх Худо ўғли бўлса, Исроил ҳам Худо ўғлидир ва Библия бўйича тўнғич ўғлидир. Бунинг маъноси шуки, Худонинг бошқа ўғиллари ҳам бор. Шунингдек, бир жойда Довуд тўғрисида бундай деб ёзилган:

«Мен Худованд фармонини эълон этгайман, У Менга айтдиким: «Сен Менинг Ўғлимсан, Сени бугун таваллуд эттирдим». (*«Забура»: 2-7*)

Яна шундай деб ёзилган:

«Мен уни тўнғич ўғлим деб, дунё подшоҳларидан юқори қўяман». (*«Забура»: 88-28*)

Ушбу икки мисолда Довуд Худо ўғли деб баён этилгандир. Ҳаттоки: «Мен Довудни тўнғич ўғлим қиламан», - деб ҳам ёзилгандир.

Шунингдек, «Забура»нинг бир жойида қозилар ҳақида шундай деб ёзилганига гувоҳ бўламиз:

«Улар билмасдан ва англамасдан зулматда кезмокда, ҳатто ернинг негизлари ларзон урмокда. «Мен айтдим: Сизлар худоларсиз, ҳаммангиз Ҳак

таолонинг ўғилларисиз». («Забур»: 81-5,6)

Бошқалар у ёқда турсин, Исо Масихни «Худо ўғли» деб билганлар Масихнинг «Матто»да ёзилган қуйидаги сўзига эътибор беришлари керак:

«Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, чунки улар «Худо ўғиллари» дейилур». («Матто»: 5-9)

Шундан ойдин бўлиб қоладики, ҳар бир тинчлик ўрнатувчи Худо ўғлидир. Шунингдек, «Римликларга ёзилган мактуб»да шундай деб ёзилганига гувоҳ бўламиз:

«Худо Руҳи билан бошқариладиган барча Худонинг фарзандидир».

(«Римликларга»: 8-14)

Энди қарангларки, Худо Руҳи билан бошқариладиган ҳар бир киши Худонинг ўғлидир. Агар Исо Масихни Худо ўғли деб билганлар ўзларини Худо Руҳи билан бошқариладиган одамлар деб ҳисобласалар, Библия таълимоти бўйича улар ҳам Худонинг ўғилларидир. Энди диққат қилинларки, Исо Масихнинг Худо ўғли эканлиги ва Библия «Худо ўғиллари» деб айтган одамлар ўртасида қандай фарқ бордир? Ваҳоланки, Исо Масих наздида «Ота» сўзи нимани англатганлиги, шунингдек, унинг ва бошқаларнинг қандай маънода ўғил эканлиги тўғрисида унинг ўзи изоҳлаб бергандир. Шундай ёзилган:

«Менга қўл тегизма! – деди Исо Марямга. Мен ҳали Отамнинг ҳузурига чиққаним йўқ. Сен бориб биродарларимга шундай деб айтгин: Мен Ўз Отам ва сизларнинг Отангизнинг, Ўз Худойим ва сизларнинг Худойингизнинг ҳузурига чиқиб кетяпман». («Юҳанно»: 20-17)

Ушбу мисолдан барча нарсa ойдинлашадики, «ота» сўзи ишлатилган ҳар бир жойда, ундан мурод Худодир ва «ўғил» сўзи истеъмол қилинган ҳар бир жойда, ундан мурод Худонинг севимли бандаларидир. Бу ҳаргиз Худонинг бирорта ҳақиқий ўғли бор эканини англатмайди. Аксинча, агар эътибор берсак, «Худо ўғли» дейилувчининг ўзи шундай деб марҳамат қилади:

«Исо унга: «Тулкиларнинг инлари бор, осмон қушларининг уялари бор. Лекин Инсон Ўғлининг бош суқадиган жойи йўқ», - деди».

(«Матто»: 8-20)

Яна шундай ёзилган:

«Инсон Ўғли келиб, еди ҳам, ичди ҳам». («Матто»: 11-19)

Яна шундай ёзилгандир:

«Лекин Мен сизларга шуни айтаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, у билан истаганларини қилишди. Худди шунга ўхшаб, Инсон Ўғли ҳам одамлар қўлида азоб чекиши муқаррардир».

(«Матто»: 17-12)

Шу каби жуда кўп мисоллар Библияда мавжудки, уларда Исо Масих ўзини «Инсон Ўғли» деб айтган. Дунёдаги барча инсонлар Одам ўғилларидир. Одам ўғиллари мавжудлигида агар Исо Масих Худо ўғли бўлса, унда дунёдаги барча одамлар Исо Масихга ўхшаб, Библия бўйича Худо ўғиллари ҳисобланадилар. Демак, туғилиш жихатдан Исо Масих ҳеч қандай имтиёзга эга эмас. Дарҳақиқат, Худо яккаю ягонадир. Унга ўхшаш бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарсa йўқ. Шу сабабдан, Қуръони Каримда Аллоҳ таоло

куйидаги таълимотни берган:

«Айт: «У – Аллоҳ ягонадир. Аллоҳ беҳожатдир. На У бировни тукқан, на Ўзи туғилган. Ва ҳеч қачон Унинг бирорта тенги бўлмаган».

(«Ал-Ихлос» сураси: 2-5)

Бас, Библияни мутолаа қилсак, шу нарса исботланадики, Худонинг бирорта ҳам ҳақиқий ўғли йўқ. Агар бирор-бир киши бунга қарши ақидага эга бўлса, у Библияни ҳам, Исо Масиҳнинг ўзини ҳам инкор этади. Кимдаким Аллоҳ таоло элчиларини инкор этса ва улар таълимотларига қарши иш тутса, у гуноҳкордир. Бас, Исо Масиҳ ҳам Ислом тақдим этган Худонигина тақдим этади. Унгагина ибодат қилиш керак. Фақат ўша Худогина нажоткордир.